

«ТАСДИКЛАЙМАН»



Харид комиссиясининг раиси,
“Бектемир тумани Мактабгача
Таълим Булими” Мудирини
М.С.Гаппарова

“ ” _____ 2022 йил

“Бектемир тумани Мактабгача таълим булими” буюртмачилигида 2022 йилда жорий таъмирлаш буйича утказиладиган киймати бир шартнома буйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 (олти минг) бараваригача бўлган барча объектлар буйича голиб Пудрат ташкилоти, Энг яхши таклифларни танлашни ташкил этиш ваутказиш орқали, танлаш буйича

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТ)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг иш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги “Давлат харидари тугрисида”ги 684-сон Қонунига талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб харид комиссиясининг Энг яхши таклифларни танлаш ташкил этиш ва утказиш жараёнида олиб борадиган иш тартибини белгилайди
- 1.2. Энг Яхши таклифларни танлов комиссияси коллегиял орган ва энг яхши таклифларни Танлашнинг асосий катнашчиси (Энг яхши таклифларни танлаш савдоларини утказиш жараёнининг доимий ёки вақтинчалик органи) ҳисоблабланиб, буюртмачи(инвестор)томонидан ташкил этилиб, буйруқ ёки бошқа ҳужжат билан тасдиқланади, Энг яхши таклифларни танлаш утказиш жараёнида пайдо буладиган низолар ва келишмовчиликларни куриб чиқишга ваколатлидир.
- 1.3. Мазкур харид комиссияси “Бектемир тумани Мактабгача таълим булими” нинг 2022 йил 13-июльдаги 74-сонли ,буйруги билан тасдиқланган.

II. ХАРИД КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

- 2.1. Энг яхши таклифларни танлаш танлаш комиссиясининг дастлабки йигилиши Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатининг ишлаб чиқилиши жараёнида утказилиб, харид комиссияси томонидан куриб чиқилади ва тасдиқланади.
-Энг яхши таклифларни танлаш ва катнашчиларнинг малакасини олдиндан аниқлаш ҳужжатларини , таклифни жойлаш шартлари ва талабларини:
таклифларнинг техник ва молиявий баҳолаш меъзонларини:
-Энг яхши таклифларни танлашда катнашишга буюртманомаларни таъминлаш шаклини
-таклифни қабул қилишнинг муддатини, таклифларни куриб чиқиш муддатини , бунда махсус ахборот порталида эълон берилган кундан бошлаб 5 иш кунидан кам бўлмаслиги шарт
- 2.2. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларни техник ва молиявий баҳолашнинг тавсиявий мезонлари 2-иловада келтирилган.
- 2.3 Техник ва молиявий баҳолаш мезонлари иш тури, таклиф қилинган нархлар ва бажариш муддатларидан келиб чиқиб хар бир объект буйича алоҳида куриб чиқилиди ва тасдиқланади
- 2.4. харид комиссияси қайси бир энг яхши таклифларни танлаш катнашчисига устунлик берувчи энг яхши таклифларни танлаш таклифларини баҳолаш мезонларини белгилашга ҳақли эмаслар
- 2.5. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси барча объектлаони Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида курсатилган меъзонлар га муофик таклифларни урганади, текширади ва куриб чиқилади, голибни аниқлайди ёки бошқа жарор қабул қилади
- 2.6. Энг яхши таклифни танлаш комиссиясининг хар бир объект буйича комиссия раиси ва иштирок этган барча аъзолар томонидан электрон имзо билан тасдиқланадиган баённомалар юритилади.

III. МАЛАКАВИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ, ТАРКИБИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА БАХОЛАШ

3.1. Барча таклифлар харид комиссияси томонидан тасдиқланган. Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- Малакавий ҳужжатлар ва уларнинг таркиби ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда уларнинг кўриниши буюртмачи томонидан тасдиқланган Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг шартларига мос келиши керак.

3.2. Агар ҳужжатлар мавжуд бўлмаса ёки нотўғри расмийлаштирилган бўлса, Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг молиявий таклифлари инobatга олинмайди.

3.3. Малакавий ҳужжатлар тасдиқланган мезонлар асосида ўрганиб чиқилади.

3.4. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси катнашчиларнинг малака кўрсаткичларини баҳолашда барча комиссия аъзолари алоҳида, шу билан бирга ишчи гуруҳининг фаолиятига зарур бўлган ҳолларда мустақил экспертларни таклиф этади.

3.5. Баҳолаш гуруҳлари ёки мустақил экспертларга малакавий ҳужжатлар таркибини ўрганиш бўйича аниқ муддатлар белгиланиб, таклиф киритиш ҳақида топшириқлар бериллади.

3.6. Малакавий ҳужжатлар таркибини ўрганиб бўлгандан сўнг энг яхши таклифларни танлаш комиссияси олдий овоз бериш усули билан қарор қабул қилади.

3.7. Агар катнашчининг таклифи кейинги босқичларга ўтиши учун техник баҳолаш натижалари бўйича комиссия аъзоларининг кўпчилиқ овози маъқулланса, харид комиссиясининг қарори ижобий ҳисобланади.

3.8. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг овозга қўйиш натижалари ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошқор этишга йўл қўйилмайди.

3.9. Ҳар бир таклифнинг кейинги босқичларга ўтиши учун Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси 60 балл ва ундан юқори балл тўплаши керак, ғолибни аниқлашда ёки комиссия аъзоларини бошқа хулоса ва қарорлари, "Ҳа", "Йўқ" ёки "Бетараф" овоз бериш усули орқали амалга оширилади.